



Транспорт воситалари  
эгаларининг фуқаролик  
жавобгарлигини мажбурий  
сугурта қилиш Коидасига  
\_\_\_\_\_ИЛОВА

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК  
ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ  
№ 14-12/057 11 0000002**

Қараокек райони

2022 йил 26 - Январ

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Лицензияси ва Устав асосида фаолият курсатувчи «Ўзагросугурта» акциядорлик жамияти (АЖ) (бундан кейин матнда «Сугурталовчи» деб юритилади), номидан 2022 йил «05» январь даги 05-06/8ф-3 см- сонли Ишоннома асосида биноан «Ўзагросугурта» АЖ Қараокек камсызландируу орайи, \_\_\_\_\_ П. Ерниязов \_\_\_\_\_ бир томондан, ўз устав асосида иш юритувчи

(бундан кейин матнда «Сугурта қилдирувчи» \_\_\_\_\_ Қараокек райони Ирригация болими

(ташқилот, корхона, хўжалик, муассаса номи)

деб юритилади), номидан \_\_\_\_\_ Б. Косыбаев \_\_\_\_\_ иккинчи томондан

(раҳбарнинг Ф.И.Ш.)

қуйидаги шартлар асосида мазкур Сугурта шартномасини туздилар:

**1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ**

1.1. Сугурталовчи Сугурта қилдирувчининг мазкур шартноманин 1-Иловасида курсатилган транспорт воситалари буйича Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 141-сонли Қарори асосида сугурта хизматини курсатади.

1.2. Сугурталовчи мазкур шартномада шартлашилган сугурта мукофоти сугурта қилдирувчи томонидан тўлик тўланганидан сўнг сугурта полиси амал қилиш муддатида сугурта ходисаси содир бўлганда шартнома (сугурта полиси) да белгиланган сугурта пули доирасида сугурта товони тўлаш мажбуриятини олиб боради.

**2. СУГУРТА ОБЪЕКТИ**

Мазкур шартноманин 1-иловасида курсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгалари (сугурта қилдирувчи)нинг жабранувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш буйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари мажбурий сугурта объектидир.



**3. СУГУРТА ПУЛИ**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 141-сонли қарорига белгиланади ва мазкур шартноманин 1-иловасида ҳамда ҳар бир транспорт воситаси буйича бериладиган сугурта полисларида курсатилди.

**4. СУГУРТА МУКОФОТИ**

4.1. Мазкур шартнома буйича сугурта мукофотининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 141-сонли Қарорига асосан тасдиқланган сугурталаш коидалари (кейинги матнларда «Сугурта коидалар» деб юритилади) 5-иловасидаги сугурта тарифларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади ва унинг миқдори шартноманин 1-иловасида ва сугурта полисларида белгилаб қўйилди.

**Жами сугурта мукофоти 360 000 ( Уш жүз аяпыс мын ) сўм сўмни ташкил этди.**

4.2. Мазкур шартнома буйича сугурта мукофотини ҳисоблаш сугурталовчи томонидан мажбурий сугурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетада сугурта қилдирувчи томонидан курсатилган маълумотлардан, шунингдек сугурта коидалари 4-иловасига мувофиқ шакл буйича тақдим этилган маълумотлардан ҳамда сугурталовчида мавжуд бўлган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4.3. Сугурта мукофоти тўлови пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Сугурта мукофотининг тўланган куни деб сугурта мукофотининг сугурталовчи ҳисоб рақамига тўлик миқдорда келиб тушган куни ҳисобланади.

4.4. Сугурта мукофоти тўлик тўланганидан сўнг сугурталовчи томонидан сугурта қилдирувчига мазкур шартноманин 1-иловасида курсатилган ҳар бир транспорт воситаси буйича сугурта полиси ва махсус давлат белгиси расмийлаштириб берилади.

**5. СУГУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ**

5.1. Жабранувчининг мол-мулкига зарар етказилганда сугурта тўлови сугурта полисида курсатилган сугурта пулининг 35 фоизидан ошиши мумкин эмас.

5.2. Бир нечта жабранувчиларнинг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабранувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг сугурта қопловчи миқдори ҳар бир жабранувчининг мол-мулкига етказилган зарур даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманин 5.1-бандида курсатилган сумма доирасида аниқланади.

5.3. Жабранувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда сугурта товонининг миқдори сугурта полисида курсатилган сугурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.4. Бир нечта жабранувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабранувчига (унинг меросхўрига) тегадиган сугурта товони миқдори ҳар бир жабранувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманин 5.3-бандида курсатилган сумма доирасида аниқланади.

**6. СУГУРТА ТОВОНИНИ ТўЛАШ**

6.1. Сугурталовчи сугурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси буйича сугурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки сугурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) қамайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар қўрилиши муносабати билан юзага келган сугурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси буйича сугурталанган бошқа шахснинг)



барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, хатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

6.2. Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш буйича харажатлар сугурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Сугурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

6.4. Сугурта товони етказилган зарар миқдориди, лекин сугурта полисда кўрсатилган сугурта пулидан ошмаган миқдорда сугурталовчи томонидан бевосита жабрлашувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади (сугурта қоидалрининг 56-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5. Сугурта товонини тўлаш сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

### 7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Мазкур шартнома томонлари бўлиши сугурталовчи ва сугурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига сугурта қоидаларида белгиланган сугурталовчи ва сугурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тадбиқ қилинади ва ҳар икки томон учун мажбурий ҳисобланади.

7.2. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажаришда бир-бирларига маълум бўлган ва тижорат сири бўлган маълумотларни сир сақлашлари шарт.

### 8. ШАРТНОМА ВА (ЁКИ) СУГУРТА ПОЛИСНИНГ МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИНИШИ

8.1. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси буйича расмийлаштириб берилган сугурта полисининг амал қилиши:

а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақикланганда;  
б) сугурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;

в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда муддатидан олдин тўхтатилади.

Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси буйича расмийлаштириб берилган сугурта полисининг амал қилиши конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси буйича расмийлаштириб берилган сугурта полисининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда сугурта мукофотининг бир қисми тўланган товон суммасига ва шартнома ва (ёки) сугурта полиси амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтарилади. Бунда сугурта шартномаси ва (ёки) сугурта полисининг амал қилиши мазкур шартноманинг 8.1-банди "а", "б" ва "в" кичик бандларида кўрсатилган бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда сугурталовчи сугурта мукофотининг қайтарилаётган қисмидан унинг сугурта шартномаси буйича исбот қилинадиган харажатлари суммасини сугурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириши мумкин.

### 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Томонлар мазкур шартнома ва конунчилик ҳужжатларида кўрсатилган мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажармаганликлари оқибатида иккинчи томонга етказилган зарар учун конунчилик ҳужжатларига кўра жавобгар ҳисобланадилар.

#### 9. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган низолар конун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

10.2. Томонлар ўзаро розилик асосида мазкур шартномага зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин.





10.3. Мазкур шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг кучга киради ва томонлар келишуви ёки узлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда, бекор қилиш ташаббуси билан чиқаётган томон иккинчи томонни камида ўттиз кун олдин келишувни бекор қилиши тўғрисида ёзма хабардор қилиши лозим.

10.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхада сақланади.

10.5. Сугурта шартномаси 1 йил муддатга тузилади, сугурта жавобгарлиги ҳисобланган сугурта мукофотининг Сугурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушгандан кейин бошланади.

10.6. Сугурта мукофоти олдиндан 100% ўтказиб берилади.

«Сугурталовчи» номидан	«Сугурта қилдирувчи» номидан
<p>«Ўзгросугурта»АЖ Қораузақ сугурта маркази Манзил : Н. Даулетмуратов. №68 Тел 465-54-67 Х/Р 20 216 000 800 383 813 013 Микрокредит банк г. Нукус МФО 00584 ИПН 200949782</p> <p>Раҳбар : П. Ерматов.</p> 	<p>Қараөзек райони ирригация болими Манзили Қарақалпақстан қошеси №8 уй х/р 23402003001000001010</p> <p>Ғазна Х/Р: 100022860352117042402170001МФО ИПН 201122919</p> <p>тел: 61 465-45-98 факс: 61 465-44-98</p> <p>Раҳбар Б.Қосыбаев</p> 



2012 йил «26» апрел даги  
1-сонли шартномага  
1-илова

№	ТВ тури	ТВ маркаси ва модели	Давлат рақами	Сугурта пули (минг сўм)	Сугурта тарифи	Сугурта мукофоти (сўм)
1	енгил	YAZ-315/2	95 046 MA	40 000 000	0,003	120 000
2	трактор	773-80-10	95 309 DA	40 000 000	0,0012	48 000
3	трактор	142 GW-FLD	95 308 DA	40 000 000	0,0012	48 000
4	трактор	146 d3-FLD	95 307 DA	40 000 000	0,0012	48 000
5	трактор	Танкисе	95 205 AA	40 000 000	0,0012	48 000
6	трактор	RV-701	95 779 BA	40 000 000	0,0012	48 000
7						
8						
<b>ЖАМИ</b>						360 000

Сугурта қилдирувчи томонидан туланадиган сугурта мукофоти умумий миқдори 360 0000 ( Уш жуз алпыс мын ) сўми ташкил этади.

«Сугурталовчи» номидан	«Сугурта қилдирувчи» номидан
<p>«Узагросугурта»АЖ Қораузак сугурта маркази Манзил : Н. Даулетмуратов. №68 Тел 465-54-67 Х/Р 20 216 000 800 383 813 013 Микрокредит банк г. Нукус МФО 00584 ИНН 200949782</p> <p>Рахбар:  П. Ерниятов.</p>  <p>М.У.</p>	<p>Қараозек Қараозек районы ирригация болими</p> <p>Манзили Қаряқалпақстан кошеси №8 уй х/р 234020003001000001010</p> <p>Фазна Х/Р: 100022860352117042402170001МФО ИНН 201122919</p> <p>тел: 61 465-45-98 факс: 61 465-44-98</p> <p>Рахбар:  Б.Коевбаев</p>  <p>М.У.</p>